

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2:2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қ.Юлчиев	
Ўзбек шеъриятида лирик хронотопнинг ривожи	77
Г.Орипова	
Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида халқ оғзаки ижоди анъаналари ва ўзига хосликлар	82
А.Акбаров	
Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадиий талқинларига доир.....	87

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Турғунов	
Наманган болалар фольклорида доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлари.....	92
А.Бердиалиев	
Тил бирликлариаро парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласига оид мулҳазалар.....	96
М.Абдулпаттоев, С.Зокирова	
Конгруэнтлик ҳодисаси ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни	101
Д.Ашурев	
“Алпомиш” достонида қўлланилган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлари	104

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Д.Саимназарова	
Чет тилда матнни идрок этиб тушуниш хусусида	108
А.Асимов, М.Ғофурова	
Масаланинг қисқа ёзуви устида ижодий ишлаш	111

ИЛМИЙ АҲБОРОТ

Т.Шадманов	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланиш уй-жой муаммосини ҳал қилиш шаклларидан бири сифатида	115
С.Маннопов, А.Қамбаров	
Фарғона-Тошкент мақом йўналишининг фалсафий масаласига доир	118
С.Содиков	
Фуқаролик жамиятига доир мумтоз назарияларнинг ривожланиши	120
Н.Усмонов	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланиш	123
Н.Махмудова	
Исломий қоидаларнинг бадиий талқини	126
Ж.Дилмуровдов	
А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарини инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолари	128
Н.Эргашева	
Инглиз тили Америка варианти грамматикасининг айрим хусусиятлари	130
Н.Хошимова	
Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллари	134
Р.Абдуллаева	
Когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияти	137
Л.Тешабоева	
Ўзбек ва инглиз адабиётида рамзий маъно ҳамда унинг хусусиятлари	140
Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова	
Тарих фанини ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланишининг аҳамияти	142
Д.Абдурахмонова	
“БОБУРНОМА”нинг янги немисча таржимаси хусусида	145

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Фидой олим	148
БИБЛИОГРАФИЯ	150

АДАБИЁТШУНОСЛИК**УДК: 8-1-9**

НЕМИС АДАБИЁТИДА АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ ҚИСМАТИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНЛАРИГА ДОИР

А. Акбаров

Аннотация

Мақола Шарқ поэзиясининг, хусусан, форс классик адабиётининг немис романтик адабиётига, Гёте ва Ҳайнене ижодига самарали таъсирини ёритишга, буюк немис ижодкорларининг асарларида Абулқосим Фирдавсий тақдиригининг турлича талқинлари таҳлилига бағишенган.

Аннотация

Статья посвящена различным трактовкам судьбы великого персидского поэта Абулкасыма Фирдоуси в произведениях Гёте и Гейне, а также влиянию Восточной поэзии в целом и персидской классической литературы – в частности, на немецкую романтическую литературу и творчество выдающихся немецких поэтов.

Annotation

The article is devoted to Eastern poetry, especially to German romantic literature of Persian classic literature, to open effective influence to Goyte and Hayne creative works as well as it shows different treats about destiny of Abulkasim Firdausi in great German creative works.

Таянч сўз ва иборалар: Шарқ адабиёти, ижод билан шуғулланмоқ, шоир, ҳалқ орзу- умидлари, ҳақиқат тараннуми, ҳиммат, форс шеърияти, шоҳ, ҳалқиблик.

Ключевые слова и выражения: литература Востока, заниматься творчеством, поэт, известный, мечты и чаяния народа, воспевание правды, щедрость, персидская поэзия, шах, народность.

Keywords and expressions: Eastern literature, creative, poet, outstanding, dreams and expectations of people, Persian poem, King, fume of trust, nationality, generosity.

Тасаввуфий рух, илоҳий ишқ билан йўғрилган Шарқ поэзияси XVIII-XIX асрлардаёқ Европанинг буюк мутафаккир ва адиларининг, айниқса, Иммануэл Кант, Гегель сингари буюк немис файласуфлари, Йоҳанн Вольфганг Гёте (1749-1832), Ҳайнрих Ҳайнене (1797-1856) сингари машҳур адилар эътиборини тортган. Шарқ поэзиясининг юксаклигига ҳатто А.С. Пушкин ҳам ўзининг “Фозилхонга” номли шеърида: “Шарқ шеърияти қуёш каби тафтлидир, у шимол музларини битта қўймай эритиб юборгусидир”, дея иқор бўлади[1.201]. Ўзида, бир томондан, Шарқ донишмандлигини, иккинчи томондан, нафис сўз санъатининг илғор ютуқларини мужассам этган форс классик адабиёти, маданияти ва тарихи билан яқиндан танишиш Гёте ва Ҳайнеда Шарқ адабиётига кучли муҳаббат ва ундан ҳайратланиш ҳиссини уйғотган.

Таниқли адабиётшунос Ғайбулла Саломовнинг таъкидлашича, Гёте европалик сўз усталаридан фарқли равишда Шарқ шеъриятияга алоҳида ҳурмат билан қараган, Фирдавсий, Саъдий, Низомий, Румий, Ҳофиз, Жомийнинг ижоди билан яқиндан таниш бўлган. У Ҳофизни устоз деб билган. Гёте ўзининг “Ғарбу Шарқ девони”ни Ҳофиз ғазалларидан руҳланиб, ундан илҳомланиб ва унга эргашиб яратган[2.126].

Ҳатто болалигигидаёқ Гёteda “Шарқ олами”га нисбатан жўшқин муҳаббат уйғонган эди. Имкон туғилди дегунча у Шарқ тўғрисида маълумот олишга ҳаракат қиласиди”[1.196]. Ана шу....интилишларининг....самараси.....

ўлароқ, у салмоқли асарлар ва гўзал маънодор шеърлар битди.

“Гёте Ғарб ва Шарқда маълум ва машҳур бўлган мутафаккир шоирларининг сара асарларини мутолаа қилишдан ниҳоятда таъсиранган ва ҳайратга тушган”[3.5]. Жаҳон адабиётининг буюк классиги сифатида эътироф этилган Гётенинг: “Аслида биз ҳайратга тушадиган нарсаларни ўқишимиз зарур”[3], дейиши бежиз бўлмаган.

Айниқса, буюк немис шоири ўзининг Шарқа бўлган ҳурмати ва ишончини Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Ҳайём, Жомий, Навоийларга бўлган муҳаббатини фақат сермаҳсул ижодидагина эмас, балки кўпқиррали фаолиятида ҳам намоён эта олган. “Гёте Саъдий каби жаҳонгашта, Жомий каби пири муршид, Навоийдек давлат арбоби ва Ҳофизу Ҳайём каби дарвешона қалб эгаси бўлган”[3.5].

“Гёте жаҳон ҳалқлари адабиётидан баҳраманд бўлмаганида эди, у “Фауст”дек мазмунан теран ва шаклан мукаммал буюк асарини яратса олмаган бўларди”[3.25]. Шоирнинг бу даражада юксакликка кўтарилишида, шубҳасиз, унинг Шарқа бўлган меҳр-муҳаббати ва эътибори муҳим роль ўйнаган.

Гёте сингари Ҳайнене ҳам ўзининг қатор мактуб ва шеърларида Саъдий номини кўп марта эҳтиром билан тилга олган. Бу ҳақдаги маълумотлар “Бир қиз куйлар” китобининг сўзбошисида ҳам алоҳида таъкидланган[4].

А.Акбаров – ФарДУ, педагогика фанлари номзоди.

“Бўстон” ва “Гулистан” муаллифини “эронийлар Гётеси”, деб атайди. У Ҳофизга катта баҳо бериб: “Эй Ҳофиз, ўзини сенга тенг кўриш етиб бўлмас хаёлдир. Ўзини сен қадар деб билиш гуноҳдан ўзга нарса эмас”, деб ёзди.

Яна мактубларининг бирида: “Эй Фирдавсий! Эй Низомий! Эй Саъдий! ... Олмониянинг ҳам буюк шоирлари кўп ...Лекин Низомийу Ҳофиз олдида улар ҳеч нарсага арзимайдилар ...”[4], деб эътироф этади

Гётенинг “Фарбу Шарқ девони” билан яхши таниш бўлган Ҳайне Ҳофиз ижодидан Ҳаммер Пургштель таржимаси орқали баҳраманд бўлган ва форс классик шоирлари асарларига жўшқин меҳр қўйган. Уларнинг шеърларини булбулнинг ёқимли навосига ўхшатган. Шоир ана шу наволар таъсирида ажойиб шеърлар ёзган.

Ҳайне “Шарқ шоирлари” шеърида (1826) Саъдийнинг номини, Шероз “бўстонлари ва булбуллари”ни мадҳ этади. Унинг айниқса Абулқосим Фирдавсийга бўлган ихлоси жуда юксак бўлган: “Шоҳнома”нинг романтик руҳи уни ҳайратга солган. “Рустам ва Суҳроб” асари немис романтиклари ўртасида машҳур эди. Ҳайне 1848 йили “Шоир Фирдавсий” (“Der Dichter Firdusi”) шеърини ёзди.

Жаҳонга машҳур Абулқосим Фирдавсийнинг Европа китобхонлари қалбидан жой олганига ҳам икки юз йилдан ошиди. Унинг “Шоҳнома” (“Шоҳлар ҳақида китоб”) асари халқнинг орзу-умидлари, унинг идеали ҳақидаги “шоҳ асар” сифатида тан олиниб, шоирнинг номини ҳозиргача эъзозлаб келмоқда. Шунинг учун ҳам у фақат форсий тилда сўзлашувчилар орасидагина эмас, балки бутун Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва бутун дунёда катта шуҳрат қозонди[6].

Буюк мутафаккир ва шоирнинг “Шоҳнома” асарига бағишлаб мусиқа асарлари, драма ва либреттолар ёзилди, кинофильм ва тасвирий санъат асарлари яратилди[6].

Афсонавий ва тарихий шахслар жасоратига бағишлиланган “Шоҳнома” деярли тўрт минг йиллик даврни ўз ичига олган. “Шоҳнома” охирида тасвирланган 500-700 йиллик тарихий воқеалар ғоятда аниқлик, изчилик ва юксак маҳорат билан тасвирланган,

Бу асар устида ўттиз беш йил мاشақатли меҳнат қилган Фирдавсий жуда кўп манбаларга таянган. Буни ўзи ҳам қайд этиб, «Араб ва паҳлавий тилларида жуда кўп асарлар ўқидим, жуда кўп мاشақат чекдим», дейди. „Шоҳнома“ нинг сўзбошисида:

„Бунчалик кўп ҳужжатларни уйғунлик билан бирлаштириб, ҳамма бўлаклари бир-бирига мутаносиб асарни гениал талант эгаси Фирдавсий яратди“, деб таъкидланади [6]. Улуғ немис шоири Гёте ўзининг «Фарбу Шарқ девони»га ёзган шарҳларида Фирдавсий Эроннинг афсонавий ва тарихий ўтмишини ёзгач, кейинги авлодларга умумий гап ва баъзи талқинлардан бошқа нарса қолмаганини қайд этади[4].

Шоир Эрон ва Ўрта Осиёнинг жуда катта афсонавий ва ҳақиқий тарихини битта достонда қамраб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Фирдавсий бу ажойиб асарини битиб бўлган пайтда мамлакатдаги сиёсий вазият беқарор эди. Шоир умрининг энг қимматли даври, бутун истеъододини бағишилаб ёзган бу асарини ёзиб тугатганидан сўнг уни муносиб ҳукмдорга тортиқ қилиш учун ийигрма йил кутди.

Поёнсиз чекиб ранж бисёр йил,
Бу ишни тугатган ҳамон шод дил,
Вале баҳш этарга муносиб одам
Тополмай, дилимни босиб қайғу-ғам...
Йигирма зимистон, йигирма баҳор
Қидирдим бу ганжга лойиқтождор[6.8].

Ниҳоят, шоир ўз саройига олим ва адилларни тўплаётган ва ҳомийлик қилаётган Маҳмуд Ғазнавийга тортиқ қилишга қарор қилди: афсуски, шоир адашган экан.

Бу ҳақда Ҳайне Парижда ёзган шеърида Фирдавсий “Шоҳнома”ни шоҳ Маҳмуд амрига кўра ёзган, деб айтади :

Улкан шоҳнинг амри билан у
Куй бошлади мардлар ҳақида.
“Ҳар мисрангга - бир тилло танга” -
Деб шоирга шоҳ берди ваъда[5.156].

Бироқ, аслида шоир «Шоҳнома»ни шоҳ амри билан эмас, балки ўз хоҳиш-иродаси билан ёзган эди.

Немисча вариантда шоир асарини бошлаганидан бўён ўн етти баҳор келиб кетганлигига ишора қилинади:

Siebzehnmal die Rose blühte,
Siebzehnmal ist sie verwelket,
Und die Nachtigall besang sie
Und verstummte siebzehnmal[7.233].

Русча таржимада эса (В.Левик таржимаси) негадир ўн олти баҳор деб айтилади:

Расцвело шестнадцать весен,
Отцвело шестнадцать весен.
Соловей прославил розу
И умолк шестнадцать раз[9.283].

Ўзбек тилига (Хайридин Салоҳ таржимаси) ҳам ўн олти баҳор, деб ўгирилган:
Чирой очди ўн олти баҳор,

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Кўздан қочди ўн олти баҳор.

Қизил гулнинг ишқида булбул

Қўшиқ айтди нақ ўн олти баҳор[5.157].

Ўн етти ва ўн олти рақамлари нимани англатади? В. Левик нима учун ўн еттини ўн олти, деб таржима қилган? Х. Салоҳнинг ўн олти рақамини ишлатгани табиий ҳол, чунки у В.Левикдан (рус тилидан) таржима қилган. Нега немис тилида ўн етти, русча таржимада эса ўн олти баҳор? Саволга жавоб топишга тўғри келади. Бизнинг фикримизча, Фирдавсий асарини бошлаганига ўн етти йил бўлди, у китобининг ярмини ёзди. Қолган ярмини ёзиш учун яна ўн етти йил керак, шунда ўттиз тўрт йил бўлади. Жами, у ёги бу ёғи яна бир йил ўтса, ўттиз беш йил бўлади. “Шоҳнома” ёзилган муддат. Агар В.Левикда бу муддат ўттиз икки йил бўлса, унда ўн олти ҳам тўғри бўлади.

Ана энди Ҳайне “Шоҳнома”ни дунёга донғи кетган машхур, сержило, гўзал, гулдор ва турли нақшлар акс этган эрон гиламига ўхшатади. Дарҳақиқат, гилам тўқиши ҳам асар ёзиш каби ўта мashaқатли меҳнатни талаб қиласди.

Кечаси кундуз банд бўлиб шоир
Учқур қанот хаёллар билан,
Қаҳрамонлик қўшиқларидан
Тўқиди бир нақшинкор гилам.
Тўқиди бир нақшинкор гилам,
Гилам ичра этди жам:
Форсистоннинг афсоналарин,
Қадим ҳоким тароналарин.
Ўз халқининг шарафи бўлган
Довқалб, жасур ботирларин.
Афсонавий гулларга тўлган
Афсунлару, сеҳрларини.
Ўлганлар ҳам қайта тирилди,
Нафас олди, куйлади, кулди!
Ғам Эроннинг кўк осмонидан
Ёруғ нурлар ёққандек бўлди[5.157] .

Асар етди ниҳоясига,
Уни шоҳга йўллади шоир.
Зўр қўшиқлар жамалжам бўлган
Қўлёзмада икки минг сатр[5.157].

Кўринадики, асарнинг ҳажми ҳам турлича кўрсатилади. Немис тилида “Zweimalhunderttausend Verse”[7.234].—икки юз минг мисра, рус тилида “Двести тысячи строк стихов”[9.284].— икки юз минг қатор шеърлар, ўзбек тилида эса “Қўлёзмада икки юз минг сатр”[5.158] деб таржима қилинган. Аслида эса, “Шоҳнома” олтмиш минг байтдан иборат, яъни бир юз йигирма минг мисра.

“Шоҳнома”даги буюк орзу-умидларни, олижаноблик, инсонпарварлик, севги ва

биродарликни мадҳ этган сатрлар Маҳмуд Фазнавийнинг талончилик, босқинчлилик сиёсатига зид эди. Шу боис шоҳ бу асарни карам билан эмас, алам билан кутиб олди. Ривоятларга қўра, гўё Маҳмуд ваъда қилинган олтинлар ўрнига кумуш танглар берган эмиш[6.9].

Ҳайненинг “Шоир Фирдавсий” шеърида Шарқда содир бўлган воқелик қуидагича тасвиранади:

Шоҳ юборган қора элчилар
Фирдавсийни қидирар эди.
Ҳар бирида бир қопдан ақча,
Улар келиб шоир ёнига,
Топширишар шоҳ ҳадясини
Қилинган кўп меҳнат ҳақига.
Шошилмасдан шоир оҳиста
Қоплар оғзин очар бемалол,
Олтин пуллар иштиёқида
Турган одам қолар бирдан лол:
Қаршисида рангиз ва хира
Икки юз минг кумуш пул турар.
Буни кўрган заҳоти шоир
Заҳарханда бир кулги қилар.
Заҳарханда билан пулларни
Уч бўлакка бўллади роса.
Ва уларнинг икки бўлагин
Элчиларга этади тухфа.
Иккисига тенг бўлиб бериб,
Қолган битта бўлагини ҳам
Ҳаммомчининг хизмати учун
Ҳадя этар худди ўша дам.
Қувғиндилик ҳассасин олиб,
Отланади йўлга дафъатан.
Ғазаб билан ковушин қоқиб
Тарқ этади пойтахтни буткул[5.156].

Улуғ шоир бутун умрини сарфлаб ёзган шоҳ асарининг қадрига етмаган Маҳмуднинг пасткашлигига жавобан у берган пулларни уч бўлакка бўлиб, икки бўлагини хоннинг пулинни олиб келган мулозимларга ва бир бўлагини эса ҳаммомчига тақсимлаб беради.

Шунинг ўзи ҳам Маҳмуд шаънига қаттиқ ҳақорат эди, аммо ўттиз беш йиллик меҳнати эвазига қаттиқ таҳқирланган шоир бунга қаноат қилмай, Маҳмуд ҳақида ўткир ҳажв ёзди. Унда шоҳни пасткашлик, хасислик, зоти пастлиқда айблайди ва уни тахтга нолойик эканлигини тасдиқламоқчи бўлади[6.9]:

Шоҳлардан бўлсайди у шоҳга падар,
Кийгизган бўларди менга тожи зар.
Агарда бўлсайди онаси хондан,
Тиллага кўмарди нақ сондан.
Улуғлар зотидан бўлмаган чун шоҳ,
Улуғлар номидан бўлур дил сиёҳ...
Жаннатнинг боғига кўчат қилсалар,
Кавсадан сув ичса чанқаган маҳал,

Сув эмас, берсалар шарбат асал,
Етилгач, ҳосил беради ахир,
Ва лекин меваси бўлади тахир...
Зоти пастларга ҳеч умид боғлама,
Қаро тун оқармас дилин доғлама.
Жаҳонгирнинг номи бўлганида пок,
Билимдонлар дили бўлмас эди чок.
Ранжиган шоир ҳажв яратса агар,
Янграр у қиёматга қадар [6.9,10].

Ривоятда Маҳмуд бу мисралар эгасини фил оёғи остига ташлаш ҳақида фармон берганлиги айтилади. Шу сабаб Фирдавсий ўзга юртларда яшириниб юришга мажбур бўлади.

Ҳайне А.Фирдавсийнинг Маҳмуд Ғазнавийдан қанчалик хафа бўлганлигини қўйидаги мисраларда баён этади:

У қилмади ваъдага вафо,
Ёлғон сўзлаш кўпларга удум,
Майлига мен кечирар эдим
Фақат кўрса ёлғонни раво.
Ва лекин у этиб умидвор
Мени мазах ва масхара қилди.
Сокин туриб қалбимни тилди,
Алдоқчилик қилди икки бор[5.159]

Бир кун шоҳ Маҳмуд Ҳиндистон жанг сафаридан қайтаётганида йўлда бир қалъа қаршилик кўрсатади. Маҳмуд шоҳ қалъа хонига мактуб юбориб, қалъани тинчлик йўли билан топширишга чақиради. Вазирига юзланиб, нима бўлишини сўрайди. Вазир буюк шоирнинг қўйидаги байтини ўқиуди:

Бўлмаса раъйимизга лойиқ бир жавоб,
Мену гурзи, майдону Афросиёб[6.10]!

Маҳмуд вазирнинг ёддан ўқиган мисралари муаллифи кимлигини сўрайди. Унинг муаллифи Фирдавсий эканлигини билгач, унга ноҳақлик қилганини эслайди ва ваъда қилган маблагни юборади [6].

Ҳайне шеърида эса, шоҳ Маҳмуд Ҳиндистон сафаридан сўнг бўлиб ўтган базмдан кейин, яхши кайфият билан фаввора ёнида ёнбошлаб ётганида оҳиста эшитилган кўшиқнинг сўзлари кимга тегишли эканини сўрайди[5].

Тус шаҳрининг бир дарвозасидан Маҳмуд юборган карвон совға билан кириб келган пайтда, иккинчи дарвозадан шоирнинг тобутини олиб чиқадилар. Муҳтоҷлик ва дарбадарлиқда яшашга мажбур бўлган, ёши 80 дан ошиб, дарди оғирлашган, кекса ва ҳорғин шоир ўз ватанига қайтиб, 1025 йили Тусда вафот этади. Бироқ, мутаассиб руҳонийлар унинг жасадини мусулмонлар мозорига қўйишга йўл бермайдилар. Фирдавсийнинг жасади отасидан қолган боғнинг бир чеккасига қўмилади.

Ҳайне шеърида шоҳ Маҳмуд Фирдавсийга нималар жўнатганлиги батафсил ва қизиқарли баён этилган. Маҳмуд шоир Ансорийга юзта йўрга эшак ва элликта тuya (ўзбек тилидаги таржимада беш юзта тuya) олишни ва уларга энг қимматбаҳо, кўзни ўйнатувчи турли мато, денгиз қаҳрабоси, дуру ложувард, нақшли идишлар, зирҳида гуллари олтин, зарҳал чиннилар, фил суякли муштук ҳамда асо, йўлбарс териси, жом, майкоса, эроний гилам, жимжима барқут, қимматбаҳо газлами, яна нозу неъматлар, турли ичимликлар, сомса, тузлов ва ҳар хил ширинликлар, умуман олингандага нарх-навоси катта бир вилоят даромадига тенг тұхфалар юборилган.

Шунча нарсани қабул қилиб, жойлаштиришни уddyалай олармиди, шоир? Фирдавсийдек инсонга шунча нарса керакмиди? Кекса ва камтарин шоирга бу нарсалар керак эмас эди, унга ортиқча ташвиш бўларди.

Барibir султон Маҳмуднинг улуғ шоир Фирдавсийга нега олтин эмас, кумуш тангалар юборгани бизни қизиқтиради. Ҳар хил мулоҳазаларга борамиз ва бир манбадаги жавоб тўғридек туюлади. Фирдавсий “Шоҳнома” асарини тугатиб, ўша давр тартиб-қоидаларига кўра султон Маҳмудга тақдим этади. Маҳмуд бу улкан асар учун шоирни тақдирлаши ва ҳурматини жойига қўйиши керак эди. Аммо у бундай қилмади. Фирдавсий ўз халқи ва қуйчиси сифатида Эрон юрти ва Эрон халқини мадҳ этади ва бунда эронликлар тарихи, ижобий фазилатларини ёритишда уларга туронликларни қарши қўяди. Туркийнасаб ҳукмдор сифатида Маҳмуд буни қабул қила олмаслиги табиий эди, қайси ҳукмдор ўз халқига қарши руҳда ёзилган асарни тақдирлаган [8].

Жаҳон адабиётининг шоҳ асари бўлган «Шоҳнома» минг йиллардан бери дунё халқлари томонидан севиб ўқилмоқда. Бунинг сабаби унинг халқчиллиги ва халқ орзу-умидларини тараннум этганлигидир.

Бу ҳақда Лейпциг университетининг фахрий профессори, олмоншунос олим М. Умархўжаев шундай деб ёзади: «Фирдавсий «Шоҳнома»си, Данте «Илоҳий комедия»си, Навоий «Хамса»си асрлар қаърида қолиб кетмай бизга этиб келган, бизни ҳануз ҳайрат ва ҳаяжонга солиши нимадан? Улардаги умуминсоний ғояларми? Баркамол ва мукаммал санъаткорликми? Ҳа, буларнинг ҳаммаси, ҳаммасининг бир бутунлиги ва яна бир хислат- ҳақиқат тараннуми»[1.93]. Ҳа, «Шоҳнома»нинг умрбоқиyllиги ундаги

АДАБИЁТШУНОСЛИК

халқиңиллик ва ҳақиқатнинг гўзал тараннум этилишидир.

Кўп олий қасрлар бўлурлар хароб,
Уруб қор-у ёмғир, шамол, офтоб.
Вале шаърдан бу бинойи жаҳон,
Уни дарз этолмас шамол-у бўрон.
Сухан тухмин экдим чекиб меҳнатим,
Мен ўлмам, асрлар яшайдур
отим[6.6]!

Шоҳнома тадқиқотчиларидан бири—профессор Е.Э. Бертельс кўрсатганидек, «Х-ХІ аср бошларидаги поэзия қанчалик порлоқ бўлмасин, у гениал шоир Фирдавсийнинг “Шоҳнома” достони олдида хирадлашиб қолади”[6]. Мазкур фикр «Шоҳнома»нинг асл ва мукаммал аср эканлигини тасдиқлайди.

Адабиётлар:

1. Умархўжаев М. Уйғоқ сатрлар. -Т.: Akademnashr, 2013.
2. Саломов Ф. Таржима назариясига кириш. -Т.: Ўқитувчи , 1978.
3. Гёте И.В. -Т.: Янги аср авлоди, 2011.
4. Ҳайнрих Ҳайне. Бир қиз куйлар. -Т.: Ўзбекистон, 2012.
5. Генрих Гейне . Лирика. -Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
6. Фирдавсий А. Шоҳнома. -Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.
7. Heinrich Heine. In fünf Bänden. Erster Band. Gedichte. Aufbau- Verlag Berlin und Weimar, 1970.
8. Қорахонийлар ва Фазнавийлар давлатининг пайдо бўлиши. https://referat.arxiv.uz/index.php?do=files&op=download&fileid=61727&news_page=2.
9. Генрих Гейне. Стихи. Перевод с немецкого. -М.: Госиздат художественной литературы, 1954.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)